Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 16 сентябрь 1973 йил, якшанба ◆ № 219 (15.693). ◆ Баҳоси 2 тийин.



Қарши чўлида ташкил этилган «Фарғона» совхози бу йил 3100 гектар майдонда пахта етиштиради. Совхоз механизаторлари бутун ҳосилни 20 иш кунида териб олиб, 11 минг тонна «оқ олтин»ни пўлат этакларидан тўкишга аҳд қилишган. Дала гвардиячилари дастлабки кунларданоқ юксак унумдорликка эришмоқдалар. Механизаторлар ҳар бир машинада кунига 10.12 тоннадан пахта теришмоқда. Суратларда: совхоз бош инженери У. Бозоров бу йил мавсумда 350 тонна пахта териш мажбуриятини олган ёш механизатор А. Муродов билан суҳбатлашмоқда. Унгда эса, «Ўзбекистон» пахта териш машинасининг капитани Пўлат Рўзиев. У кунига 12 тоннадан ошириб пахта тераётир.

В. Сироткин фотолари.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ҚАҲРАМОН НОВОРОССИЙСК ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА, НОВОРОССИЙСК УЧУН БЎЛГАН ЖАНГЛАРНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Азиз ўртоқлар!

Бугунги кун шонли Новороссийск шаҳри тарихидаги энг ажойиб кунлардан биридир!

Новороссийскка «Қаҳрамон шаҳар» деган юксак ва фахрли унвон берилганлиги, у Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланганлиги муносабати билан мен Сизлар билан бирга самимий хурсандчилик ва фахрланиш ҳисларига тўлдим.

Бу, чинакам тарихий ҳужжатда совет халқи, партия ва ҳукуматнинг миннатдорчилик ва ташаккури ифодаланган, совет жанубининг дурдонаси — Шимолий Кавказга интилган душман йўлини тўсиб, шаҳар остоналарида жонини аямай мислсиз мардлик, матонат ва дадилликни кўрсатган барча кишиларнинг қаҳрамонона жасоратига юксак баҳо берилган.

Азиз новороссийсликлар ва жанговар дўстлар, Сизларни Ватаннинг юксак мукофоти билан чин кўнгилдан эстойдил қутлайман!

Ана шу ажойиб шаҳарнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини бундан буён ҳам муқаддас билиб сақлашингизга ва кўпайтиришингизга аминман!

Қаҳрамон Новороссийск шаҳрига шон-шарафлар!

Улуғ Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигининг қаҳрамон ҳимоячиларига абадий шон-шарафлар!

Л. БРЕЖНЕВ.

Крим, 1973 йил 15 сентябрь.

ҚАҲРАМОН КЕРЧЬ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ВА КЕРЧЬ ЯРИМ ОРОЛИДАГИ ҚАҲРАМОНОНА ЖАНГЛАРДА ҚАТНАШГАН ЖАНГЧИЛАРГА!

Азиз ўртоқлар!

Керчь шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар» деган юксак ва фахрли унвон берилганлиги, шаҳар Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланганлиги билан Сизларни самимий қутлайман!

Фашист босқинчиларига қарши курашда Сизлар кўрсатган ғоят буюк қаҳрамонлик ва фидокорликка муносиб баҳо берилди. Бу мукофотда Крим ярим оролидаги жангларда бевосита қатнашган қаҳрамон жангчиларга, совет ватанпарварларининг Ажимушкай тош конларида кўрсатган мардонавор жасоратига, ғоят зўр сабот ва матонат кўрсатиб, улуғ ғалабамиз учун бутун кучини бағишлаган шаҳарнинг барча меҳнаткашларига Ватан, партия, ҳукумат ва бутун совет халқининг миннатдорчилиги ифодаланган.

Азиз ўртоқлар, Сизларга сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингизда бахт ва социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатда муваффақиятлар тилайман!

Қаҳрамон Керчь шаҳрига шон-шарафлар!

Улуғ Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигининг қаҳрамон ҳимоячиларига абадий шон-шарафлар!

Л. БРЕЖНЕВ.

Крим, 1973 йил 15 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

НОВОРОССИЙСК ШАҲРИГА «ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти ва авиацияси, жангчиларининг Ватан олдидаги жуда катта хизматлари, оммавий қаҳрамонлиги, мардлиги ва матонати учун ҳамда Шимолий Кавказни ҳимоя қилиш чоғида фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 30 йиллигини нишонлаб Новороссийск шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилсин, Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1973 йил, 14 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КЕРЧЬ ШАҲРИГА «ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши йилларида Керчь меҳнаткашларининг ва Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти ва авиацияси жангчиларининг Ватан олдидаги жуда катта хизматлари, оммавий қаҳрамонлиги, мардлиги ва матонати учун ҳамда Кримни озод қилиш чоғида фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 30 йиллигини нишонлаб Керчь шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилсин, Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1973 йил, 14 сентябрь.

ДАВЛАТГА ҒАЛЛА СОТИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Новгород ва Калининград областларининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга дон сотиш ҳалқ хўжалик планини ошириб адо этдилар ва социалистик мажбуриятларини бажардилар. Новгород области жавдар сотиш планини ва Калининград области дуккакли экинлар сотиш планини бажарганлари йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбат

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Аргентина Компартияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси Марказий Комитет секретари Орестес Гиольдини 15 сентябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов дўстона суҳбат чоғида республика меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида гапириб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов ҳозир бўлди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Аргентина Коммунистик партияси партия ходимлари делегацияси Тошкентга келди.

15 сентябрда делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида В. Г. Ломоносов меҳмонларга Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўзбекистон экономикаси, фан, маданиятининг ривожи тўғрисида гапириб берди.

Аргентина Коммунистик партиясининг партия ходимлари Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишлари билан ҳам танишдилар, В. И. Ленин Марказий музейи филиалида бўлдилар, болалар боғчаларидан бирини, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли клиник касалхонасини бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

СУРХОНДАРЁ ПОЛИЗЧИЛАРИ ВА КАРТОШКАКОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Сурхондарё областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўқазилаётган қишлоқ хўжалик ходимларининг бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, давлатга картошка ва полиз маҳсулотлари сотиш ҳалқ хўжалик планини муддатдан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 2005 тонна картошка, 17452 тонна тарвуз, қовун етказиб берилди.

Картошка ва полиз маҳсулотлари сотиш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

МИЛЛИОНЛАР БИЛАДИГАН АРТИСТ

Шукур Бурҳонов... Бу ном миллионлаб томошабиларга таниш. Улар бу номни Ҳамза номли академик драма театри саҳнасидан, киноэкрандан ва телевизор экранидан қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён биладилар. Ўзбекистон театр санъатининг олтин фондига кирган образлар ижодкори олтмиш ёшга тўлди.

Артист талантининг муҳлислари, унинг сафдошлари, дўстлари, ўртоқлари санъаткорни шонли сана билан қутлаб, унга янги ижодий муваффақиятлар тилагани 15 сентябрда Ҳамза номли театрга келишди.

Ўзбекистон ССР Маданият министри Ғ. Н. Нажимов юбилярга табрикнома билан мурожаат қилди. Тошкент саҳнасининг, Москвадаги Таганка театрининг усталари, қардош республикалардан келган артистлар СССР халқ артистига самимий сўзлар билан мурожаат қилдилар.

Юбиляр номига мамлакатнинг турли томонларидан телеграммалар олинди.

(ЎзТАГ).

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

МИРЗАЧЎЛ СОВХОЗЛАРИ КУНИГА 10—12 ПРОЦЕНТДАН ПАХТА ТОПШИРМОҚДАЛАР

ВАЪДАМИЗ ҚАТЪИЙ

Телефонда — Дўстлик районидаги 15 «А» совхозининг директори Мурод МИРЗАЕВ: Чўлдаги дастлабки қадамимиз чакки бўлмаётир. 1918 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Пландаги 10 центнер ўрнига гектаридан 20 центнердан дурдона топшириб она-Ватанга қарийб 2 минг тонна қиматбаҳо хом ашё етказиб берамиз. Ҳосилнинг ҳаммасини фақат машиналарда теріб оламиз. Ҳамма пахтани биринчи сортга ўтказамиз.

Совхозимиз пахтакорларининг катъий қарори ана шундай. Мана бугун юлдуз тўла осмон пахтазорга кўчиб тушгандай.

Совхозимиз деҳқонлари комплекс механизацияни пахтачиликка кенг жорий этишга аҳд қилганлар. Машина теримини бошлаганимизга тўрт кун бўлди. Биринчи куни йиллик планнинг 4 процента миқдорида ҳосил териб олинган бўлса, иккинчи куни бу рақам 10 процентга, учинчи куни — 14 процентга етди. Бугун эса 16 процент миқдорида пахта топширдик. Йил бошида йиллик планни 25 сентябрга бажаришни мўлжаллаган эдик. Йиғим-теримнинг борили ва об-ҳавонинг қулай келишидан фойдаланиб, 18 сентябрь куни ғалаба рапортига имзо чекишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Пахта йиғим-теримининг бугунги суръати ваъдамизнинг реаллигидан далолат беради.

Комплекс механизациялашган илғор бригадалар қувончли натижаларга эришмоқда. Йиғим-теримнинг учинчи-тўртинчи кунларида етти бригада олдинма-кетин маррага етди. Йиллик планни Эгамқул Товбаев бошлиқ бригада 155 процент, Бекбўта Йўлчиев бошлиқ бригада 137 процент, Бердиқул Отақулов бошлиқ бригада 135 процент, Омон Ғозибеков бошлиқ бригада 130 процент, Умарқул Ғозибеков бошлиқ бригада 127 процент, Ҳосил Абдужабборов бошлиқ бригада 124 процент, Мамарасул Раббимов бошлиқ бригада 123 процент бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу бригадаларда мажбурият ҳисобига пахта топшириш қизғин бормоқда.

Пўлат отларнинг чавандозлари Мирзачўл бўйлаб кенг шуҳрат таратмоқдалар. Совхозимизда мавжуд 46 машинанинг ҳаммаси йиғим-теримда актив қатнашмоқда. Раззоқ Қувондиқов, Товбой Розиқулов, Ибодулла Нишонов, Бойхўроз Баҳромов, Аллаёр Умаров, Ҳафиза Нормирзаева каби «зангори кема» суворийлари ҳозирга қадар 45-55 тоннадан «оқ олтин» териб қўйдилар. Уларнинг ҳар бири кунига 8-10 тоннадан дурдона теришга муваффақ бўлмоқда.

Совхозимиз пахтакорлари 18 сентябрда ғалаба рапортига имзо чекишга қатъий аҳд қилиб, йиғим-теримнинг ҳар бир дақиқасидан, об-ҳавонинг ҳар бир қулай фурсатидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

МАШИНА ШАРОФАТИ

Телефонда — Октябрь районидаги 31-совхоз директори Мустафоқул УМРЗОҚОВ: Катта карвон йўлларида зўр кураш бормоқда. Она-Ватанга 1800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилган совхозимиз пахтакорлари бу курашда байроқдорлар сафида бўлишга интилмоқда. Республикамиз механик-ҳайдовчиларининг мамлакат барча пахтакорларига мурожаатидан руҳланган совхозимиз механизаторлари 100 процент ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишга сўз бердилар.

Шу кеча-кундузда совхоз далаларида 40 та терим машинаси жавлон урмоқда. Машиналар ёрдамида кунига қарийб 800—900 тонна пахта териб олинмоқда. Йўлдош Қудратов бошлиқ 3-бўлим, Худойберди Худойназаров бошлиқ 1-бўлимларнинг пахтакорлари 8-10 иш кунида маррага етишга аҳд қилдилар. Бу бўлимларда механизация қудратидан кенг фойдаланилмоқда. Терилган пахта бункерлардан тележкаларга, тележкалардан қабул пунктларига пешма-пеш жўнатилмоқда.

Ҳасан Маъмуров, Худойберди Исломов, Нормурод Раҳматов снигари комплекс механизациялашган бригадалар эришаётган ютуқлар айниқса қувончли бўлмоқда. Бу бригадаларда ҳамма механизаторлик касбини эгаллаган. Бригада етакчиларининг ўзлари мавсумда 350-400 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишган. Ҳ. Маъмуров шу кунга қадар «зангори кема» бункеридан — 65 тонна, Ҳ. Исломов.— 60 тонна, Н. Раҳматов 58 тонна дурдона тўкди.

Совхозда терим агрегатлари 4 группада ишлатилмоқда. Ҳар бир группада 9-10 тадан «зангори кема» бор. Бу усул терим машиналарига техника хизмати кўрсатиш ва механик-ҳайдовчиларга қулай маданий-маиший шароит яратиш имкониятини бермоқда. Терим илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантириш намунали йўлга қўйилган. Мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланмоқда. Беш кунликда илғорликни эгаллаган механизатор кўчма вимпел ва 50 сўм миқдорида мукофот пули олмоқда. Ҳар бир группа учун алоҳида мусобақа шартлари ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилмоқда.

Йиғим-теримни белгиланган қатъий график асосида олиб бориш ва меҳнат интизомига риоя қилиш терим суръатини кун сайин оширишни таъминламоқда. Теримнинг дастлабки кунларида 2-3 процентдан пахта тайёрланган бўлса, эндиликда ҳар куни 10-12 процент пахта қабул пунктларга жўнатилмоқда. Пахтакорларимиз мавсум бошида йиллик планни 22 сентябрда бажаришга қарор қилган эдилар. Биз бу муддатни яна икки кунга қисқартиришга ва хўжалик ҳисобида иш юритаётган совхозлар орасида Дўстлик районидаги 15 «А» совхозидан кейин иккинчи бўлиб маррага етишга аҳд қилдик.

Республиканинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшишга отланган пахтакорларимиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганининг 50 йиллик қутлуғ байрами шарафига 20 сентябрда маррага етишни қатъий режа қилиб белгиладилар. Пландан ташқари она-Ватанга бир ярим минг тонна дурдона етказиб берамиз.

⊙ ⊙ ⊙

— Шу кеча-кундузда 1000 дан ортиқ «зангори кема» иш бошлади, — дейди Янги ерларни ўзлаштириш бошқармасининг бош агрономи Александр Семёнович Шалабаев. — Ҳадемай Мирзачўл пахтазорларида яна 2100 та терим агрегати суза бошлайди. Ҳозир кунига 2.5-3 минг тонна дурдона терилаётган бўлса, бу рақам тез кунда 10-15 минг тоннага етади.

Хўжалик ҳисобида иш юритаётган Дўстлик районидаги 15 «А», Мирзачўл районидаги 13 «А», 22, 22 «А», Октябрь районидаги 14, 16, 31-каби пахтакор хўжаликлар Мирзачўл хирмонига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу хўжаликларга Мирзачўлнинг донгдор деҳқонлари етакчилик қилмоқда. Улар сафида КПСС XXIV съезди делегати машҳур механизатор Инобат Охунова, Мустафоқул Умрзоқов, Мурод Мирзаев, Нормурод Холмуродов ва бошқалар бор. Хўжалик ҳисобидаги совхозлар 18-25 сентябрга қадар йиллик планни бажариш ва 8-15 октябрга қадар социалистик мажбуриятни адо этишга сўз бердилар.

4.750 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида 1973 йил 15 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

	Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан, шу жумладан машина терими: тўртинчи стун — бир кунда, бешинчи стун — мавсум бошидан.			
Қашқадарё	2.73	28,93	2,15	7,86
Андижон	2,33	19,79	1,51	3,83
Сурхондарё	1,77	18.09	1,55	7.8[illegible]
Бухоро	1,36	14,96	1,00	3,15
Фарғона	1,61	14,26	0,40	0,88
Наманган	1,35	10.81	0,79	2,13
Хоразм	1,04	6,99	0,01	0,03
ҚҚ АССР	0,80	5,37	—	—
Сирдарё	0,94	3,51	0,99	2,04
Самарқанд	0,70	2,19	0,08	0,14
Тошкент	0,46	2,16	0,07	0,08
Республика бўйича:	1,38	11,43	0,74	2,31
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Қашқадарё	1,46	18,68		
Сурхондарё	1,23	18,59		
Бухоро	0.31	1,96		
Республика бўйича:	1,48	17.17		

Республика областларида дефолиациянинг борили тўғрисида шу йил 15 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

	Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида), учинчи стун — бажарилиш проценти.		
СИРДАРЁ	286795	148,6	
ТОШКЕНТ	161204	124,0	
АНДИЖОН	125260	108,9	
Қашқадарё	65529	93,6	
Бухоро	80949	77,8	
Сурхондарё	72867	72,9	
Наманган	75693	72,1	
Хоразм	46800	66,9	
Фарғона	73402	63,3	
ҚҚ АССР	59330	53,9	
Самарқанд	58203	48,9	
Республика бўйича:	1106032	89,8	

МАШИНАЛАР ДАЛАҒА ЧИҚДИ

Бекобод районидаги хўжаликларнинг механизаторлари пахтани машинада теришга киришдилар. «Победа» колхозининг «зангори кема» даргалари теримни биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Механик-ҳайдовчилардан Абдужалил Холмирзаев, Худойқул Эгамқулов, Холисберди Адуқанов, Мингбой Бердиёров 7-8 тоннадан пахта тердилар. Улар бу йил 200-250 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Колхоз беш йиллиқнинг ҳал қилувчи учинчи йилида 1509 гектар майдондан 5 минг тонна «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олди. Бунда ҳосилнинг 90 проценти машинада териб олинади.

Районда теримга 522 машина тахт қилиб қўйилди. Пахтакорлар техника ёрдами билан 50 минг тонна ёки ўтган йилдагидан 20 минг тонна кўп пахта теришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЎН УЧ ИШ КУНИДА

«ПРАВДА ВОСТОКА» КОЛХОЗИНИНГ АЪЗОЛАРИ ПЛАННИ 20 СЕНТЯБРГАЧА БАЖАРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ.

Бу йил пахта йили бўлди. Ҳаво иссиқ келди. Қуёш фарзанди бўлган пахта етарли ҳароратни олди. Бўлиқ кўсаклар деҳқон «ўтганидан анча эрта очилди. Энди ғал ҳосилни тезроқ йиғиб-териб, она-Ватанга топширишда. Колхозимиз пахта тайёрлашда Андижон областида иккинчи ўринда борялпти. Бу мусобақада ғоҳо «Коммунизм» колхози, ғоҳо бизнинг хўжалигимиз олдинга ўтмоқда.

Куни кеча Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов раҳбарлик қилаётган машъал хўжалик теримга тушди. Биз 2246 гектар майдонда уруғлик пахта етиштирганмиз. Шунинг ҳаммасини қўлда терамиз. Буни хўжалик 13 иш кунида тугаллашга аҳд қиляпти. Бунтур ҳам шу уч хўжалик бирин-кетин маррага етган эди. Бу гапларни бекорга айтаётганимиз йўқ. Биз ҳам бўш келмаймиз. Илғор ўринни бўшатмасликка аҳд қилганмиз. Ҳар куни йиллик планнинг 4—4,5 процента миқдорида пахта тайёрлаб, шу кунгача давлатга 57 процент миқдорида пахта сотдик. Планни узоғи билан 25 сентябрга бажарамиз.

Колхоз правлениеси ва партия комитети ҳамма ҳаракатни социалистик мусобақада пешқадамлар сафида боришга қаратган. Ҳамма, бир жон-бир тан бўлиб, суръатни тағин ҳам оширишга, пахта планини ҳеч бўлмаганда областда иккинчи ўринда бажаришга, ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказишга сўз бердик.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Мирзаев бошлиқ бригада аъзолари ҳар куни 7—8 процентдан ошириб пахта тайёрлаб, колхозда карвонбошилик қилмоқдалар. Бу илғор бригада пахта планини 12 сентябрда колхозда биринчи бўлиб бажарди. 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарди. Давлатга сотилган 240 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Бригада энди 65 центнерлик маррани эгаллаш учун курашяпти. Имомин Раҳимов бригадаси ҳам планни тўлдириб, мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Унинг укаси Иминжон бошлиқ бригадада эса кунлик ўсиш 10 процентга етди. Х. Абдуллаев, Б. Исҳоқалиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ана шундай юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Бу бригадалар яқин уч кунда маррага ғалаба байроғини тикишади. Колхозда 34 бригада бор. Шундан 24 бригада кунлик пахта топширишда колхоз кўрсаткичидан илгарилаб кетди.

Умуман теримда 3200 киши қатнашяпти. Колхозда ҳар бир теримчи ҳисобига 85—90 килограммдан пахта тайёрланмоқда. Мингдан ортиқ теримчи кўп минг килограммчилар ҳаракатига қўшилган. Колхозимиз давлатга 3800 тонна уруғлик пахта топшириб, бу соҳадаги планни тўлдирди. Кеча 11 терим машинасини далага олиб чиқдик. Ҳар куни қўлда 20 тонна, машиналарда 50 тоннадан пахта териб планни, 25 сентябрда бажаришга эришамиз!

Хурсанд ТУРСУНОВ,
Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхозининг раиси.

МУСОБАҚА ВА МАТБУОТ

КПСС Марказий Комитети «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида» деган қарорида пропаганда ва информация воситаларининг ҳаммаси ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масалалари билан чуқур шуғулланиши, новаторлар бошлаган ташаббусларнинг моҳиятини чуқур ўрганиб, бу ташаббусларни жанговарлик билан қўллаб-қувватлаб, кенг ёйиши, фан ва техника муваффақиятларини жорий қилиш учун актив кураши зарурлигини кўрсатиб ўтди, бу вазифани бажариш йўлида тинмай иш олиб боришни газеталар, журналлар редакцияларининг, кино, радио ва телевидениенинг, нашриёт раҳбарларининг зиммасига юклади. Партия матбуот ходимларини меҳнат ва хўжаликни бошқаришнинг илғор методлари мазмунини тўлиқроқ очиб беришга, мусобақанинг социал, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини кўрсатиб беришга, мусобақанинг бориши ва натижаларидан оммани кенг ҳабардор қилиб туришга, барча участкаларда ишларни яхшилаш учун изчиллик билан ҳаракат қилишга даъват этмоқда.

Ўзбекистондаги газеталар ва журналларининг саҳифалари, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари совет кишиларининг беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун олиб бораётган курашини акс эттирмоқда. В. И. Ленининг доҳиёна башорат қилиб айтганидек, коммунизм қуришнинг қудратли воситаси бўлиб қолган матбуот «ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини ривожлантиришдаги... хўжалик ва ҳаётнинг социалистик шартларини яратишдаги онгли ва ихтиёрий ташаббусини» яққол кўрсатиб бермоқда.

Газеталарнинг, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларнинг кўпгина материаллари беш йиллликнинг энг муҳим вазифаларига диққат-эътиборни қаратиб, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган ташаббусини яққол ва ёрқин кўрсатиб бермоқда. Бир қанча газеталарнинг саҳифаларида корхоналардан олиб ёзилган мароқли материаллар босилиб чиқади. Бу материалларда мусобақани ташкил этишни яхшилаш, чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш борасида ишчилар коллективининг жонқуярлиги зўр таассурот қолдирадиган қилиб акс эттирилмоқда.

Партия халқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликларни тугатишга катта аҳамият бермоқда, иш натижаларини танқидий анализ қилишни талаб этмоқда. Беш йилликнинг дастлабки икки йилида қилинган ишларнинг якунларига танқидий баҳо бериш натижасида партия яқин келажакка мўлжалланган вазифаларни ва қилинадиган ишларни тағин ҳам конкретроқ қилиб белгилаб берди. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми қарорларида ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 50 йиллиги тўғрисида»ги докладида мутлақо равшан қилиб пухта белгилаб берилди. Бу вазифалар шуки, меҳнат унумдорлигини ошириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш хўжаликка сарфланган ҳар бир сўмнинг, ишлатилаётган ҳар бир тонна металл, ёқилғи, цемент, ўғитнинг бераётган самарасини ошириш йўли билан экономикани ҳар томонлама юксалтиришимиз лозим.

Халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда 1973 йил алоҳида аҳамиятга эга. Бу планлар ва мажбуриятларни тўлдириш учун курашиб, давлат топшириқларини бажаришга қолмасдан, шу билан бирга навбатдаги давр учун ҳам план ва топшириқларни бажаришни таъминлайдиган имкониятлар тутдириш зарур. Партия бу вазифани бажаришнинг энг яхши йўли социалистик мусобақа эканлигини ҳам кўрсатиб ўтди, чунки юксак даражада ташкил этилган ва Ватанга муҳаббат билан қўшилиб қўлайтирилган ғайрат мўъжизалар яратa олади. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1973 йилда саноат, қурилиш ва транспорт, қишлоқ хўжалиги ходимларининг Бутииттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори шу тўғру билан изҳор этилган.

Бу ҳужжатлар матбуот органлари учун асос бўладиган принципиал катта аҳамиятга эга. Газеталар, журналлар, телевидение, радио, нашриётлар мусобақани ташкил этиш, унинг натижаларини кенг кўпчиликка маълум қилиб туриш, таққослаб кўрсатиш, илғорлар тажрибасини қўлайтириш учун кураш масалаларини янгича тарзда қўйишлари кераклиги шу ҳужжатларда уқтириб ўтилди.

Ҳозирги вақтда республика меҳнаткашларининг ҳаётида энг масъулиятли давр — пахта йиғим-терими бошланди. Республика пахтакорлари ўзларининг олий ватанпарварлик ва интернационал бурчларини чуқур англаб, мўл ҳосил етиштирдилар. Улар етиштирган ҳосил Ватанга 4 миллион 750 минг тонна пахта берамиз деб олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга имкон беради. Республиканинг пахта далаларида очилаётган кўсаклар кўпайиб, терим суръатлари кундан-кунга тезлашмоқда. Колхозлар ва совхозлардан биринчи галаба рапортлари келмоқда. Қишлоқ хўжалик йилининг пировардида пахта теримининг биринчи кунларидаёқ яхши ташкил этилишга боғлиқ эканлигини яққол кўрсатиб бериш — матбуот, телевидение ва радио эшиттиришининг бурчидир.

Терим кампаниясининг биринчи кунларидаёқ ишни пухта ташкил этиш ва уюшқоқлик биринчи сорт пахтани кўпроқ ва сифатли қилиб териб олишни, терим ишларини қисқа муддатларда бажариб, катта иқтисодий самарага эришишимизни таъминлайди, деган фикр ҳамма мақолалар ва хабарларда ҳар доим ифодаланиши лозим. Пахта териш даврида ҳар бир соат ва дақиқа ғанимат, ҳамма жон қуйдириб меҳнат қилади. Мусобақа натижалари ҳар кун, ҳар соат якунланиб туриши лозим. Бу эса колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг пахта теримида алоҳида активлик ва жонқуярлик билан ишлашларига кенг йўл очиб беради. Воқеалар кетидан колмаслик, янги воқеалардан дарҳол ва моҳирлик билан хабардор бўлиб, уларни оммалаштириш, пахта терими даврида мусобақани яхшилаш ва такомиллаштиришда партия ташкилотларига кўмаклашиш — матбуотнинг энг муҳим вазифаси.

Ишнинг муваффақиятини одамлар ҳал қилади. Шу сабабли матбуот, телевидение ва радио беш йиллик меҳнатчиларига, терим кампаниясининг қаҳрамонларига асосий эътибор бериши лозим.

Бу йилги пахта теримининг алоҳида хусусияти шундаки, терим ишларини механизациялаш кенгайтириб юборилди. Беш йиллликнинг учинчи йилида механизаторлар камида 2 миллион 500 минг тонна пахтани машиналарда териб топширадилар. Ўзбекистонда механизаторларнинг, мўл ҳосил ўсталарининг ва комплекс механизациянинг ажойиб кадрлари ўсиб етишган. Уларнинг энг яхши дала гвардиячилари эканлигини кўрсатиб бериш, уларнинг тажрибаларини кенг ёйиш — матбуот ходимларининг фахрли вазифаси.

Яқинда Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларининг механизаторлари мамлакатнинг барча пахтакорларига мурожаат қилиб, уларни пахта терими техникасидан кенг фойдаланишга, ҳар бир машинанинг иш унумини оширишга, пахта ҳосилини териб олишни муваффақиятли ўтказишга, беш йиллиликнинг учинчи йилида давлатга пахта сотиш бўйича социалистик мажбуриятларни тўла бажаришга чақирдилар. КПСС Марказий Комитети механизаторларнинг ташаббусини маъқуллаб, пахтакор республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетларига, область партия комитетларига пахта териш техникасидан кенг фойдаланиб, унинг иш унумини оширишга доир конкрет тадбирларни колхозларда ва совхозларда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини топширдилар.

Машиналардан тўғри фойдаланиш, уларнинг иш унумини ошириш чораларини кўриш — терим муддатини қисқартиришни таъминловчи муҳим омилдир. Мана шу масалалар ва пахта теримини механизациялаштириш билан алоқадор бўлган бошқа масалалар газета редакцияларининг, телевидение ва радио студияларининг ҳар доим диққат марказида туриши лозим.

Социалистик мусобақа тўғрисида эълон қилинаётган материаллар чуқур мазмунли, муайян мақсадни кўзлайдиган, жиддий умумлашмаларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш масалалари батафсил анализ қилиб берилиши, планларни ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга имкон берадиган прогрессив методларни пахтакорларга яққол кўрсатиб бериш керак. Матбуот мусобақани ташкил этишнинг ўзи қандай бораётганлиги — мажбуриятлар қандай тўғилаётганлигини, бу мажбуриятлар қанчалик асосланганлигини, коллектив ва якка мусобақа шартномалари қандай қилиб тузилаётганлигини синчиклаб кузатиб туриши зарур. Юзлаб, минглаб дала меҳнатчиларига ўрнак бўлишга арзийдиган илғорларнинг тажрибалари тўғрисида кўпроқ ва мароқли қилиб ёзиш керак.

Матбуот илғорлар тажрибасини пропаганда қилар экан газетхонларда шу тажрибаларга қизиқиш туғдиришга, пахта йиғим-теримининг энг зарур проблемалари тўғрисидаги мунозараларга кўпроқ кишини тортишга интилиши лозим. Меҳнаткашларнинг хатлари, давларда ўтказиладиган учрашувлар, ишчи, қишлоқ мухбирларининг рейдлари, меҳнаткашлар коллективларининг бирбирларини чақиришлари — редакциялар қўлланаётган мана шу ва бошқа синалган формалар битта мақсадни кўзлаши яъни улкан пахта хирмони учун курашга ёрдам бериши лозим.

Меҳнатга коммунистик муносабат масалалари матбуот, телевидение ва радио фаолиятида муҳим ўрин олиши керак. Юксак меҳнат унумдорлиги ва янги киши учун кураш чинакам умумхалқ ҳаракатига айланди, моддий ишлаб чиқаришнинг, иқтимоий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бу ҳаракатга қўшилаётган ходимлар тобора кўпаймоқда. Шу билан бирга тажриба шуни кўрсатиб турибдики, мусобақанинг олий формасини ташкил этишга расмиятчилик билан, хўжакўрсинга ёндашмай, балки, ижодкорлик ва принципиаллик билан ёндашилган тақдирдагина, бу ҳаракат қатнашчилари мажбуриятларни ўзлари пухта ўйлаб ва синовдан ўтказиб олган, ижодкорлик ва новаторликнинг чинакам ифодаси бўлган тақдирдагина, бу мусобақа самарали ва таъсирчан мусобақа бўлади. Республика матбуоти шу масалаларга эътиборни кучайтириши, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида баён қилинган олижаноб принциплар ҳар бир совет кишисининг кундалик ҳаётида одат бўлиб қолиши учун актив курашмоғи лозим.

Матбуот маънавий ва моддий омиллар ролини оширишни мутлақо зарур. Ҳукуматнинг юксак мукофотлари, фахрий ёрлиқлари, вимпеллар билан тақдирланган шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари тўғрисидаги, социалистик мусобақа голиблари бўлган коллективлар тўғрисидаги материалларни эълон қилиб туриш — жуда катта аҳамиятга эга. Газеталар, телевидение ва радионинг ўзи маънавий рағбатлантирувчи жуда зўр восита эканлигини тушуниб олиш зарур. Пешқадамлар тўғрисида босилган хабар, уларнинг суратини эълон қилиш, ҳатто уларнинг номларини тилга олиб ўтишнинг ўзи мана шу меҳнатчилар учун нақадар қувончли эканлигини, уларга янги куч-ғайрат бағишлашини унутмаслик керак! Кимки ўзи ҳақида ёзилган мақола ёки хабарни ўқиса, бундан руҳланиб, кучига-куч қўшилади. Лекин бундай хабарлар зерикарли қилиб ёзилган бўлса, ҳақиқий аҳволни акс эттирмаса, одамларнинг жизғига тегиши ва уларни ранжитиб қўйиши турган гап. Бундай ҳоллар, афсуски, баъзан содир бўлиб туради.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари пахтакорларга қандай ғамхўрлик қилаётганликлари, уларнинг баракали ишлашлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қандай шароит яратиб берилганлиги, дала шийпонлари қандай жиҳозланганлигини, пахтакорларни овқатлантириш, уларга газета-журналлар етказиб бериш ва шу кабилар қандай ташкил этилганлиги ҳам газеталар ва журналларнинг, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларнинг диққат марказида туриши зарур.

«Минглар шартномаси» пахта теримининг сифатини, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, совет кишиларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашни кучайтириш учун пахта тайёрлаш даврида катта аҳамиятга эга.

Пахта териш кампанияси билан боғлиқ бўлган катта ва мураккаб ишларнинг ҳаммаси фақат республика ва область матбуотининг эмас, шу билан бирга ўзининг «географияси» туфайли ишлаб чиқаришга, ўз газетхонларининг ҳаётига жуда яқин бўлган район газеталарининг, кўп тиражли ва деворий газеталарнинг диққат марказида туриши лозим.

Ҳозирги вақтда газета ва журналлар, телевидение ва радио пахта етиштиришлар тортиб уни газламага айлантиргунча қилинадиган ишларнинг ҳаммаси, битта мақсадга, яъни аъло сифатли маҳсулот чиқаришга қаратилиши ва бўйсундирилиши лозимлиги тўғрисида ранг-баранг материалларни мунтазам равишда эълон қилмоқдалар ва эшиттирмоқдалар.

Матбуот ишининг қандай принципиал йўлдан бориши, унда босилаётган материалларнинг таъсирчанлигини кучайтириш йўллари КПСС Марказий Комитетининг «Литва ССР матбуотида социалистик мусобақа масалаларининг ёритилиши тўғрисида» деган қарорида чуқур кўрсатиб берилди. Шу қарордаги хулосалар ва тавсиялар фақат Литва ССРнинг ўзигагина тааллуқли бўлиб қолмасдан бутун мамлакатдаги матбуот, телевидение ва радио ходимларига ҳам қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатиб берди, уларни конкрет иш программаси билан қуроллантирди. Партия Марказий Комитетининг қарори талаб қилганидек, барча редакцияларнинг коллективлари социалистик мусобақа масалаларини, ишлаб чиқаришга ва экономикага доир масалаларнинг мазмунини чуқур билишлари лозим. Аммо айрим газеталар ва журналларнинг саҳифаларида информация характеридаги материаллар кўпчиликни ташкил этмоқда, мусобақанинг боришини ёритиш кўпинча умумий даъватлардан, рақамлар, процентларни конкрет анализ қилмай санаб кўрсатиб беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Баъзи газеталар ва журналлар формализм ва кампаниябозликка барҳам берган эмаслар, мажбуриятлар эълон қилинган даврдагина кўпроқ активлашадилар. Аммо мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш, мусобақа натижаларини якунлаш, айрим корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозлар нима сабабдан орқада қолаётганини анализ қилиб бериш сингари муҳим масалалар редакцияларнинг диққат эътиборидан кўпинча четда колмоқда.

Ҳаёт олинган мажбуриятларнинг, план топшириқларининг бажарилишини матбуот орқали контрол қилиб туришни қатъий равишда кучайтиришни талаб этмоқда. Фақат илғорларгина эмас, шу билан бирга топшириқларни бажармаётганлар, мўлжалланган марраларга эришмаётганлар ҳам матбуотнинг диққат-эътиборидан четда колмаслиги керак.

Жамиятнинг маънавий ҳаётида, КПСС XXIV съезднинг қарорларини амалга оширишда матбуот, телевидение ва радионинг ролини янада ошириш — партиянинг оммага, гоявий таъсир ўтказувчи мана шу қудратли, кучли воситаларига раҳбарлик қилиш услубини ва методларини тинмай такомиллаштиришни талаб этади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» деган доклади асосида Ўзбекистон партия ташкилотининг гоявий-сиёсий ишларини, меҳнаткашларга интернационал тарбия беришни янада кучайтиришга доир вазифалари ҳақида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидов докладини муҳокама қилган республика партия активи йиғилишида бу тўғрида батафсил гапирилди.

Матбуотнинг кучи — партиянинг раҳбарлигида. Партия комитетлари матбуотнинг биринчи навбатдаги вазифаларни ўз вақтида ва аниқ белгилаб бериб туришларини, иқтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишни, фан техника тараққиётини жадаллаштиришни, меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ва меҳнат активлигини ривожлантиришга матбуотнинг диққат-эътиборини қаратишларини ҳаёт талаб қилмоқда. Область, шаҳар ва район партия комитетлари газеталарнинг сиёсий йўналиши ва мазмуни учун ўзларининг масъулиятларини оширишлари, редакция коллективларининг фаолиятини ҳамиша йўллаб туришлари, партия ва совет органлари қабул қилинаётган энг муҳим қарорлардан матбуот ходимлари мунтазам равишда хабардор қилиб туришлари, уларга шу куннинг асосий воқеалари ва вазифаларини, хўжалик-сиёсий кампаниялар қандай бораётганлигини айтиб туришлари лозим.

Редакция коллективлари газеталарда эълон қилинган материалларнинг таъсирчанлигини таъминлашда партия комитетларининг актив мадад бериб туришига, корхоналар ва идораларнинг айрим раҳбарлари танқидни назар-писанд қилмасликлари сингари фактларга йўл қўймасликларига муҳтождирлар.

Қаҳрамонлик ишларини, социалистик мусобақа голибларини ва иштирокчиларини, меҳнат галабаларимизнинг ижодкорларини кўрсатиб бериш борасида совет журналистикасининг жуда бой традицияларга ва битмас-туганмас имкониятлари бор. Ўзбекистон партия-совет матбуотининг сафарбар қилувчи барча воситалари, матбуот, телевидение ва радио журналистлари ва активларининг бутун кучи КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини ташкил этишни янада яхшилаш ишига бўйсундирилиши лозим.

САМАРҚАНД чинни заводининг коллективи бу йил 20 миллион донадан ортиқ чинни буюмлари ишлаб чиқаради. Суратда: заводнинг илғор ишчиси Дилором Ботирова тайёр маҳсулотларни кўздан кечиряпти.
В. Сиротнин фотоси.

МУНОСИБ МУКОФОТ

Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг президиуми 1973 йилги галла ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлаш соҳасида комбайнчилар ва автомобиль транспорти ҳайдовчилари социалистик мусобақаси якунларини чиқарди. Мусобақа голибларидан юз киши Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматли совғалар билан мукофотланди. Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё областларидаги касаба союз ташкилотларининг механизаторлар куч-ғайратини олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги ижобий ишлари қайд қилиб ўтилди.

(ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда бўлиб ўтган область идеология ходимларининг кенгашида КПСС XXIV съезди қарорлари асосида пахта йиғим-теримида ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар савиясини янада кўтариш тадбирлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Область партия комитетининг секретари Ҳ. Мўминов доклад қилди.

Кенгашда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев нутқ сўзлади.

* * *

Қашқадарё область идеология ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгаш саноат, транспорт, қурилиш коллективларида, колхозлар ва совхозларда айтаётган пропаганда ишини янада яхшилашга бағишланди. Пахтакорлар социалистик мусобақасининг шаклларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. РЎЗИЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Маъмурий органларда узоқ йил, самарали ишлаганлиги ва қонунчилик ҳамда қонуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари учун Андижон область прокурори Абдулҳай Рўзиевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

Тошкент шаҳри. 1973 йил 14 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ю. Г. БУДАГОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада физкультура ва спортни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун «ДИНАМО» спорт жамияти Ўзбекистон республика совети раисининг ўринбосари Юрий Григорьевич Будаговга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

Тошкент шаҳри. 1973 йил 14 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми давлат аппаратида узоқ йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлиги юридик бўлимининг мудири Геннадий Васильевич Герасимовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

АФСОНАЛАР ЎЛКАСИ

Эркин ВОҲИДОВ.

✦ ✦

Буюк Иттифоқимизнинг турли бурчакларида ўтказилаётган анъанавий совет адабиёти кунлари муносабати билан мен ўтган йили Узоқ Шарқнинг Хабаровск ўлкасида, Владивостокда, бу йил Сибирнинг Тюмень областида бўлдим.

Ростини айтсам, ўтган йилги ажойиб сафардан сўнг улуғвор Амур соҳилларидан, тўлқинли Япон денгизи, ёйпбарслар макони — Уссури тайгаларидан сўнг бу йил Тюменга таклиф қилишганда, бошида Сибирнинг бу олис юртида ўрмон ва ботқоқдан бошқа нима ҳам кўрар эдим, деб ўйладим. Лекин, Тюмень заминига қадам қўйганим замон, ҳақиқий афсоналар ўлкасига келганимни англадим.

Тюмень — жануби Қозоғистонга, шимоли поёнсиз тундралар, нарида муз океанига туташиб кетган ярим миллион квадрат километрлик улкан бир диёр. Бу диёрнинг заминида битмас-туганмас нефть, торф, газ запаси ётибди. Бепоён кенгликларида олтин бошоқлар шовуллаб ётибди.

Ана шу ўлкада уч йилдан буён ҳар йили Иттифоқимизнинг ҳамма бурчакларидан ёзувчилар йиғиб, ажуман тузадилар, бу юртнинг фидоийлари билан учрашадилар, суҳбату-мушоираларда ижодий мавзу, илҳом олиб қайтадилар.

Бу йилги адабиёт байрамига қардош республикалардан, қўшни социалистик мамлакатлардан юзга яқин ёзувчи, шоирлар йиғилди.

Тюмень, Тобольск шаҳарларида ўтказилган тантаналардан сўнг бир неча гуруҳларга бўлиниб, ўлканинг турли ерларига йўл олдик.

Уша кунлари Тошкентда ҳарорат 42 даражадан юқорида турган пайт. Тобольскда биз жунжикиб, плашчларнинг ёқасини кўтариб олганмиз. Ҳаво булут, шимол томондан аччиққина шамол эсиб турибди. Эрталабдан бери шивалаб ёмғир ёғяпти. Биз бир замонлар подшо томонидан немис усталарига махсус ясаттирилган антиқа вагонлардан жой олиб, қурилаётган Тюмень — Сургут—Нижневартовск темир йўли бўйлаб сафарга чиқдик.

Айтишга осон, лекин тасаввур қилолган кишига аниқ — одамзод қадами тегмаган баҳаду поён чакалак ўрмонлар оралаб, ҳаёт асари йўқ, чексиз ботқоқлар устидан етти юз километрлик темир йўл қуриляпти. Буни бошдан-охригача фақат ёшлар, комсомоллар, турли миллат фарзандлари қуришяпти. Бутун йўл — Бутииттифоқ зарбдор комсомол қурилиши деб аталади.

Тургасга келганда, темир йўлнинг битган қисми тугаб, сафарни вертолётда давом эттирдик. Улкан ниначи «МИ» бизни худудсиз тайга устидан олиб учмоқда. Ўрмон, ўрмон, ўрмон... Поёни уфқларга туташиб кетган чакалак ўрмон.

Уларни оралаб қумуш тасмадай Иртиш оқиб ётибди. Ана, подасидан адашган ёввойи бўғу вертолёт садосидан ҳуркиб, жон ҳолатда югуради. Унда-бунда ўрмон сийраклашиб, улкан кўм-кўк ялангликлар пайдо бўлади. Бу — барча тирикликнинг офати, яқин келган жонни аждаходай ютгувчи тубсиз ботқоқлик.

Мен Сибирнинг бу манзараларига бургут парвози қадар баландликдан қараб Ватанимнинг чинакам буюк ва поёнсизлигини яна бир бор ҳис қилдим, совет кишисининг қудрати ва матонатига яна бир карра қойил қолдим. Мана шу ҳаёт асари йўқ поёнсиз сукунат оралаб эрта бир кун янгровчи тепловозларнинг садоси қулоғимга эшитилгандай бўлди.

Енимда ўтирган йўл қурилиши бошлиғининг ўринбосари Константин Григорьевич Балабинский вертолёт деразасига кўрсаткич бармоғини тираб, менга ишора қилди. Пастга қарадим. Ўрмон орасида қубба-қубба бўлиб турган палаткаларга кўзим тушди. Вертолёт икки-уч айланиб, палаткалар ёнидаги ялангликка, сол қилиб боғланган ёғочлар устига қўнди. Бу ерда бизни керьковлик ёш қурувчилар қарши олишди. Улар бизга ўзларининг 15-20 тача палаткадан иборат бўлган «шаҳарларини» кўрсатишди. Бу «шаҳар» ҳақиқатан эртакдагидек ажойиб. Овқатхонага, спорт майдончасига, ювинадиган ерга олиб борувчи сўқмоқларга қизиқ-қизиқ кўча номлари қўйилган. Кўрсатгич тахталарда, масалан, бундай ёзувлар бор: Овқатхонагача 12 метр, Москвагача 1674 километр. Ботқоқлик томонни кўрсатувчи тахтачага «борса келмас» деб ёзилган.

Мана шу кимсасиз ўрмонлар орасида туғулиб-ўсган юртларидан олис йигитлар, қизлар қаҳрамонона меҳнат қилиб, яна бир дақиқа қувноқ кайфиятни тарк этмай яшаётганларига фақат қойил дейиш мумкин.

Вертолёт бизни қишлоқдан-қишлоққа, шаҳардан-шаҳаргa олиб учади. Кун бўйи йўл, ҳўтаётган еримизда учрашув, шеърхонлик, тонготар суҳбатлар... Шимолга қараб учганимиз сари кеча қисқариб кўтб кундузликларига кириб борамиз. Уйқу кам, лекин негадир чарчоқ сезилмайди. Ҳамма ерда қурувчилар бизни севинч билан қарши олишади, марҳаб билан, ташналик билан тинглашади.

Посёлкалардан бирига келганимизда мени бир тўда ўзбек йигитлар қуршаб олишди. Улар темир йўл қурилишида меҳнат қилаётган ёшлар эди. Учрашув пайтида мен улар учун ўзбек тилида шеърлар ўқидим. Уша дақиқаларда кечирган туйғуларимни сўз билан ифода этиш қийин. Муболағасиз айтаманки, мен шеър ҳавасида қўлимга қалам олганимдан буён ўз меҳнатимдан қаноат ҳосил қилганим ҳам шу.

Оппоқ кеча. Тун ярмидан оққан. Лекин чумолининг кўзини кўрса бўладиган ёруғлик. Кечагина темир ётқизилган, ҳали тепловоз ўтмаган шаллар устида юрибмиз. Устоз Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўллари»даги шу сатрлар ёдимга тушади:

Бу йўллар
Кўп қадим йўллардур
Жаҳоннинг фотиҳи Искандар
Рум қайсари...

БИР ЙИГИТ ШЕЪРНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ:

Боту, Чингиз, Темирланг
Қолдириб юмсасиз из...

БОШҚАСИ ҚУШИЛАДИ:

Қон деҳ, қон деҳ
Босароқ кечмишдур.

Ҳа, булар афсонавий «Турксиб»нинг давомини қураётганлар, ўша қаҳрамон ота ва боболарнинг лойиқ фарзандлари ва набиралари. Ҳаёт давом этяпти, афсона ҳам давом этяпти.

Йиллар ўтар, бу ботқоқ ва ўрмонлар ўрнида азм нишоотлар, яшил шаҳарлар қад кўтарар. Авлодлар яна ҳам буюкроқ ишларга бел боғлар. Аммо сиз — бу мудроқ сукунатни уйғотган баҳодирлар, ботқоқ ва чивчилар салтанати бўлган кимсасиз тайга ва тундраларга ҳаёт садосини олиб келаётган азаматлар, сизлар, тарих саҳифаларида биринчи бўлиб қоласиз.

Авлодлар сизнинг жасоратингизга шон ўқийдилар. Бу кун «Турксиб» қурувчиларини «ДнепроГЭС», «Магнитка» қаҳрамонларини сўзлагандай қавас ва ғурур билан тилга оладилар.

Мен Сибирнинг қурилаётган йўлларидан бир олам таассуротлар олиб қайтдим. Бу таассуротлар, кўнглимда ўчмас из қолдирган бу хотиралар вақти келиб балки шеър бўлар, достон бўлар, лекин шу кунда ҳали кўрганларимнинг изи совумасдан, хотираларимни сиз билан баҳам кўргим келди.

Бунда ҳар кўрганим
Бир тарих эртак,
Бунда ҳар кўрганим
Туганмас достон.
Кўз олдимга келди
Ёруг келажак
Сибирь истиқболи
Бўлди намоён.
Бунда чаманзорлар
Гуркираб кетар
Халқлар бел боғлаган
Экан мардона.
Ҳаёт давом этар,
Шон давом этар,
Давом этар бунда
Қутлуг афсона.

БУГУН—ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЯШИЛ БОЙЛИК

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги ходимлари барча совет халқи билан бир сафда ўз байрами —Ўрмончилар кунини бу йил ҳам меҳнат кўтаринкилиги ва янги ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Республика ўрмончилари КПСС XXIV съезди белгилаб берган улкан вазифаларни амалга ошира бориб халқ хўжалик тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшаётирлар. Республика ўрмончилари ҳар бир қутлуғ байрамга янги-янги меҳнат совғалари билан келишни одатга айлантирдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили учун белгиланган ўн ойлик план топшириқлари асосий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари адо этилди. Дарахт уруғлари экиш ва кўчат тўқазиш 109 процент, ихота дарахтзорларини яратиш плани 102 процент бажарилди. Кўчатзорлар майдони ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баравар кенгайтирилди.

1973 йилнинг биринчи ярми социалистик мусобақа якунлари бўйича Наманган, Қўқон, Самарқанд, Оҳангарон ва Қатта-қўрғон ўрмон хўжаликларининг коллективлари ғолиблар сафидан ўрин олдилар. Фарғона ўрмон хўжалигининг Турбат, Тошкент ўрмон хўжалигининг Туябўғиз бўлимлари коллективлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни амалга оширишда қувончли ютуқларни қўлга киритдилар.

Ўрмон — умумхалқ бойлигидир. Унинг беқиёс гўзаллиги, файзи ва фазилатини тўла таърифлаш қийин. Республикамизда ўрмон майдонлари жуда кенг бўлмаса-да, улар ўзининг оромбахш хусусияти ва гўзал қиёфаси билан ажралиб туради. Ўрмонларнинг хосияти каттадир. Ўрмонлар бўлмаса, дарёларнинг бир меъёрда оқиб туриши мумкин бўлмасди. Тоғлардаги ўрмонлар қорни тез эриб кетишига йўл қўймай, бир фурсат ўз соясида асрайди ва ер ости сувларини кўпайтиради, селларнинг йўлини тўсади. Ўрмонлар тоғларга ажиб қиёфа бахш этади. У бизга мева, ёғоч маҳсулоти каби беқиёс бойликларни тортиқ этади.

Республика партия ва ҳукумати ўрмонзорларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини назарда тутиб, бир қанча янги ўрмон хўжаликлари, ўрмон мелиорация станциялари ва қўриқхоналар тузишнинг ташаббускори бўлдилар. Тупроқ эрозиясига қарши курашга кўплаб маблағ ажратилди. Ўрмон хўжалиги ташкилотлари малакали кадрлар билан таъминланди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикада ўрмон хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган қарори ўрмон хўжалиги ишларини ташкил қилиш ва бошқаришни яхшилашда муҳим аҳамият касб этди.

Республика ўрмон хўжаликлари 1965 йилда ўз хўжалиги ҳаражатларини қоплаш фондига 937 минг сўм даромад қўшган бўлсалар, ўтган йили бу рақам 3 миллион 73 минг сўмга етди. Бу йил эса даромадларимиз 4 миллион сўмдан ортиқроқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент, Наманган, Самарқанд ва Қатта-қўрғон ўрмон хўжаликлари барча харажатларни ўз даромадлари ҳисобига копламоқдалар.

Сўнгги йилларда ўрмон хўжалигининг истиқболи борасида катта ишлар қилинди. Шу мақсадда нодир манзарали дарахт кўчатларини ўстиришга катта эътибор берила бошланди. Натижада хушкўрим дарахт кўчатларини етиштиришда каттагина силжиш юз берди. 1970 йилда кўчатзорларимизнинг каттагина қисмига чинор ва дуб уруғи экилди. Атир гулларнинг бир қанча нодир навларини етиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Арчасимон игнабаргли дарахтларни етиштириш йўлга қўйилди. Бироқ, нодир-манзарали кўчатларни янада кўпайтириш лозим бўлиб қолди. Бу соҳадаги эҳтиёжларимиз ҳали тўла қопланганча йўқ. Халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини ҳисоб-га олган тақдирда ҳали неча минг гектар ерларда хушкўрим кўчатлар етиштириб беришимиз лозим.

Республикамизнинг кўпгина областларида таянч кўчатзорлар ташкил қилиш кўзда тутилган. Бу борада амалий иш ҳам бошлаб юборилди. Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Бухоро область ижроия комитетлари бўлажак таянч кўчатзорлар учун майдонлар ажратиб беришди. Қашқадарё областидаги Бешкент кўчатзорида қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Наманган, Фарғона, Узун, Самарқанд, Тошкент ва бошқа ўрмон хўжаликлари нодир кўчатлар етиштиришда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё областларининг ўрмон хўжаликлари тоғлар бағрини боғларга айлантириш ва қўрқам ўрмонзорлар барпо қилишга киришганлар. Бу ўрмон хўжаликларида тоғ ёнбағирларини зинапоя шаклида қирқиб мевали ва манзарали дарахтлар экилмоқда. Чирчиқ ва Тошкент ўрмон хўжаликлари ҳамда Паркент ўрмон мелиорация станцияси сўнгги йилларда тоғ ёнбағирларидаги катта массивларни боғ-роғларга айлантирдилар. Уларнинг бир қисми ҳосилга кирди. Бундан бир неча йил мукаддам ялангоч ётган тоғлар бағрида барпо этилган боғлардан тонна-тонна, олхўри, олча, нок, олма, бодом териб олинмоқда. Тоғ бағридаги токзорларда узумдан мўл ҳосил етиштириляпти. Тоғ бағридаги боғлар манзараси кўзни қувонтиради, кишини мафтун этади. Лекин бу борада ҳам айрим нуқсонлар йўқ эмас. Чунончи, республика Озиқ-овқат саноати министрлигининг Тошкент областидаги айрим хўжаликлари раҳбарлари турли баҳоналар билан бу ишга бош қўшмасдан шундай ажойиб боғлар яратиш учун тегишли майдонлар ажратиб бериш шартларини бажармай келаётирлар.

Ўзбекистон табиий шароити ёнғоқзорларни кенгайтиришга катта имконият беради. Республика партия ва ҳукуматининг ёнғоқзорларни кенгайтириш тўғрисидаги қарор ва кўрсатмасидан сўнг республика ўрмончилари ёнғоқ ва магизли дарахт кўчатларини кенг кўламда экишга киришдилар. Сўнгги икки йил давомида 4800 гекар майдонда ёнғоқ, бодом ва пистазорлар яратилди. Шу беш йиллик давомида уларнинг умумий майдони 10 минг гектарга етказилади. Лекин бу борада ҳали анчагина камчиликларимиз бор. Чунончи, ўрмон хўжаликларида уруғчилик иши, айниқса, саксовул уруғчилигини тиклаш яхши йўлга қўйилгани йўқ. Уруғчилик, участкаларини вужудга келтириш ва уларнинг ишини яхшилашимиз лозим.

Ихота дарахтзорларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамиятини эндиликда ҳамма билади. Ихота дарахтзорлари қишлоқ хўжалигидан муттасил мўл ҳосил олинишини таъминлайди. Ихота дарахтзорларининг моҳияти Қўқон атрофидаги районларда, Бўз, Қаршн ва Бухоро районлари мисолида яққол кўзга кўринади. Лекин шунга қарамай, бир қатор районларнинг колхоз ва совхозларида ихота дарахтзорларини яратишдек муҳим ишга етарлича эътибор берилмаётир.

СССР Олий Советининг IV сессияси қарорларида, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиий бойликлардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисидаги қарорларида ўрмон ходимлари зиммасига катта вазифалар юкланган. Бу айни пайтда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш масаласини кун тартибига қўяди. Бу олижаноб ишда Совет мамлакатининг ҳар бир граждани актив қатнашмоғи, ўрмонларни ёнғиндан сақлаш, кўчатзорларни пайҳон қилмаслик, тоғлар бағридаги боғларни кўз қорачиғидек асраш ва парваришлаш каби умумхалқ ишида жонбозлик кўрсатмоғи лозим.

Республика ўрмон хўжалиги ходимлари тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилига мўлжалланган давлат планларини муддатидан илгари бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик қутлуғ тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар қиладилар.

О. ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўрмон хўжалиги Давлат комитети раиси.



Ўрмон Ватанимизнинг ажойиб бойлиги бўлиб, ундан хилма-хил маҳсулот тайёрланади. Айни пайтда ўрмон — иқлимни мусаффо қилувчи ,об-ҳаётни сакловчи, далаларимизни муҳофаза қилувчи, бутун жонли мавжудотга ҳаёт бахш этувчи мўъжиза. Суратда: Бўстонлиқ район Консой ўрмончилик участкасининг илғор ўрмончиси коммунист Мирсолих Раззоқов.

И. Портнов фотоси.

ЧИЛИ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

ЧИЛИДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Совет хотин-қизлари комитети Совет Иттифоқидаги миллионларча хотин-қизларнинг фикр-туйғуларини изҳор этиб, ички реакциянинг ҳаракатларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдиради ва бу ҳаракатларни қаттиқ қоралайди. Ички реакция ташқи империалистик кучларнинг мадади билан Сальвадор Альенде бошчилигидаги қонуний ҳукуматни ағдариб ташлади.

Мамлакатда демократияни ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги сохта гаплар ниқоби остида аслида демократик тартиб-қоидалар тугатилмоқда. Чили меҳнаткашларининг муҳим иқтисодий-иқтисодий галабалари чиппакка чиқарилмоқда, қонунлар жинояткорона поймол этилмоқда ва меҳнаткашлар эксплуатациядан халос бўлиш ҳуқуқларидан маҳрум қилинмоқда.

Реакция жуда оғир жиноят қилди: чили халқининг шонли фарзанди Сальвадор Альенде ўлдирилди. Халқ фронтининг жуда кўп тарафдорларидан ўч олинмоқда. Чилидаги кўп ватанпарварларнинг ҳаёти хавф остида қолди.

Мамлакатдаги саноат корхоналари ўққа тутилмоқда, реакция кучларига қаҳрамонона қаршилик кўрсатаётган ишчилар ва хизматчилар ҳалок бўлмоқдалар.

Чили халқи учун машаққатли бўлган кунларда совет хотин-қизлари бутун совет халқи билан биргаликда иқёнчиларнинг жиноий ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирадилар.

Совет хотин-қизлари интернационал дўстлик ишига чексиз садоқат ва эҳтиёт қатъият туйғулари билан чили халқининг ҳаққоний кураши билан бирдам эканликларини исбот қиладилар. Шу кунларда чили халқининг асл манфаатларини яхши тушунуб, сабот-матонат, мардлик кўрсатаётган чили хотин-қизлари билан бирдам эканлигимизни яна бир марта таъкидлаймиз.

Мамлакатнинг чин ватанпарвари бўлган чили хотин-қизлари ҳозирги вақтда чили меҳнаткашлари ўзларининг ҳаққоний ишини ҳимоя қилмоқ учун олиб бораётган курашга муҳим ҳиссаларини қўшадилар ва чили болаларининг порлоқ истиқболини таъминлайдилар, деб қаттиқ ишонамиз.

РЕАКЦИЯГА ЗАРБА БЕРИЛСИН!

УРГАНЧ. (ЎзТАГ). Урганч шаҳар бирлашган касалхонасининг ходимлари Чилидаги ҳарбий исёнга қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирдилар. Бу ерда бўлиб ўтган митингда партия ташкилотининг секретари Ш. А. Беганов бундай деди.

— Реакциончилар ташқи антидемократик кучлар билан иттифоқ бўлиб, Чилида давлат тўнтариши қилишга муваффақ бўлдилар. Бу — Сальвадор Альенде ҳукуматига қарши қаратилган бўлиб, қонунга зид ҳаракатдир. Сальвадор Альенде ҳаракати халқнинг чексиз мададидан фойдаланар эди. Ҳар қандай зўровонликлар ҳам чили халқини абадий танлаб олган прогрессив социал ўзгартишлар йўлидан қайтара олмаслигига қатъий аминмиз.

Митингда врачлардан К. Азизов ва З. Халметов совет кишилари Чили меҳнаткашлари билан астойдил бирдам эканликлари ҳақида гапирдилар.

Медицина ходимлари коллективлари бир овоздан қабул қилган резолюцияда Чилидаги ҳарбий тўнтариш хусусида КПСС Марказий Комитетининг баёнотини тўлатўкис қўллаб-қувватладилар.

Жаҳон бўйлаб

РЕАКЦИЯ ҲАРАКАТЛАРИ ҚОРАЛАНМОҚДА

Чилининг қонуний Халқ бирлиги ҳукуматини зўравонлик билан ағдариб ташлаган реакциянинг ҳаракатларини жаҳондаги кўп мамлакатларнинг ҳукуматлари, парламентлари ўзга кўринган давлат ва сиёсий арбобларн қатъий равишда қораламоқдалар.

◎ **БЕЛГРАД.** Чилининг қонуний ҳукумати зўрлик билан ағдариб ташланганлиги ва президент С. Альенде ҳалок этилганлиги сабабли Югославиянинг иттифоқ ижроия вечаси ғоят ташвишланаётганини изҳор қилди. Веча мажлисида қабул қилинган резолюцияда айтилдики, бу воқеалар учун оғир масъулият империалистик кучлар устига тушади, улар четдан тазйиқ ўтказиб туриб ва мамлакат ичида диверсиялар қилиб, ҳеч қандай воситалардан қайтмай Чилида граждан уруши чиқартиришга ва Хали бирлиги ҳукуматини ағдариб ташлашга интилдилар. Югославия Социалистик Федератив Республикасининг иттифоқ ижроия вечаси бу воқеаларни блокларга қўшилмаган барча мамлакатларга империалистлар томонидан қилинаётган дағдаға деб ҳисоблайди. Блокларга қўшилмаган мамлакатлар лиқинда Жазоирда ўтказилган конференцияда Чили халқининг ва ҳукуматининг реакцияга ва империализмга зарба бериш сиёсати билан бирдамлик изҳор этган эдилар.

◎ **РИМ.** Чилининг конституциясига асосланган ҳукумати давлат тўнтариши қилинганлиги натижасида ағдариб ташланганлиги ва Сантьягодаги фожиали воқеалар чоғида президент Сальвадор Альенде ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар Италия ҳукуматини чуқур ташвишга солиб қўйди, дейилади Италия информация агентлиги АНСанинг бу ерда эълон қилинган ахборотида.

◎ **КОПЕНГАГЕН.** Дания бош министри А. Йоргенсен, Чилида қарбий диктатура ўрнатилиши мумкин, деб огоҳлантирди. «Консерватор кучлар, деди у,—С. Альенденинг социализмни ривожлантириш йўлидаги фаолиятига болта урганликлариг ғоят афсусланаман».

◎ **ОСЛО.** Норвегия бош министри Ларс Корвалл Чилидаги воқеалар сабабли ғоят ташвишланаётганлигини айтиб, «бу мамлакатда демократияга ва унинг муассасаларига путур етказилганлиги бутунлай Латин Америкасидаги аҳволдан жиддий ташвишланиш учун асос бўла олади», деди.

◎ **ГААГА.** Голландия бош министри Бен Ойл Альенде ҳукумати ағдарилганлигини «газаблантирадиган иш бўлди» деди.

◎ **КАРАКАС.** Венесуэла ҳукумати Сальвадор Альенде ҳалок этилганлиги муносабати билан уч кунлик мотам эълон қилди.

◎ **БОГОТА.** Колумбия конгресси қабул қилган резолюцияда Чилидаги ҳарбий тўнтариш қораланди. «С. Альенде ҳалок этилганлиги, дейилади шу резолюцияда, бутун Латин Америкасига хавф туғдираётган зўравонликнинг оқибатидир».

◎ **БУЭНОС—АЙРЕС.** Аргентина миллий конгрессининг депутатлар палатаси «шу кунларда империализм ва олигархия кучларининг ҳужумига учраб турган «Чили халқига бирдамлик изҳор этди».

◎ **САНТ-ХОСЕ.** Коста-Рикининг қонун чиқарувчи мажлиси Чили армиясининг ҳаракатларини қораладн. Коста-Рика президенти Хосе Фигерес Феррер баёнот эълон қилиб, С. Альенденинг фаолиятига юксак баҳо берди.

(ТАСС).

Лесото унча катта бўлмаган давлат бўлиб, бутун атрофини Жанубий Африка Республикаси территорияси қамраб олган. Ирқчилар республикаси бу давлатни иқтисодий жиҳатдан қолоқликка маҳкум этиб, миллий саноатни барпо этишга жон-жаҳди билан қаршилик қилмоқда. Суратда: Лесото аёллари иш устида.

АФП—ТАСС фотоси.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҚАҲР-ҒАЗАБИ

БЕЛГРАД. 14 сентябрь. (ТАСС). Югославиянинг кўпгина корхоналарида ва ўқув юртларида Чилидаги ҳарбий исёнга қарши норозилик митинглари ва йиғилишлари бўлиб ўтди. Боредаги катта мис эритиш комбинатининг ишчилари Чили ишчилар синфига ва унинг барча меҳнатларига қарши фитна уюштирилганлиги муносабати билан ўзларининг қаҳр-ғазабларини изҳор қилдилар. Шу муносабат билан махсус митинг ўтказилди. Майдонгекдаги мис кони кончилари қабул қилган баёнотда биз империалистларнинг аралашувини ва жиноятларини қаттиқ қоралаймиз, Чилининг эрксевар халқи олиб бораётган курашин қувватлаймиз ва табриклаймиз, дейилади. Белград. Загреб, Любляна ва Югославиядаги бошқа шаҳарларнинг корхоналарида норозилик йиғилишлари бўлиб ўтди.

Загреб университетида ўтказилган норозилик митингида 8 мингдан кўпроқ студент қатнашди. Белград университетининг студентлар комитети Чили студентлари ва ишчилар синфи билан бирдам эканлигини билдириб баёнот эълон қилди.

Франция Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

ПАРИЖ. 14 сентябрь (ТАСС). Кеча Парижда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум мамлакатдаги сиёсий аҳволни муҳокама қилди. Бу тўғрида Франция Компартиясининг Бош секретари Жорж Марше доклад қилди.

Пленум иши тугагандан кейин Ж. Марше матбуот конференцияси ўтказди. Матбуот конференциясида у, Франция Коммунистик партияси «Францияда ва халқаро миқёсда капиталистик системанинг кризиси ривожланиб» бораётганлиги билан алоқадор проблемаларни муҳокама қилганлигини айтди.

Чилида тўнтариш қилинганлиги ва ҳарбий хунта мамлакатда бебошлик қилаётганлиги муносабати билан Ж. Марше Франция Коммунистик партияси номидан француз коммунистларининг Чили халқига бирдамлигини изҳор этди.

КУБА ҲУКУМАТИНИНГ ТАЛАБИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 сентябрь. (ТАСС). Куба ҳукумати Чилида ҳарбий хунтанинг қонунсиз ҳаракатлари тўғрисидаги масалани қараб чиқмоқ учун Хавфсизлик Кенгаши мажлисини шошилинч суратда чақиришни расмий талаб қилди. Шу ҳарбий хунта қўшинлари Сантьягодаги Куба элчихонаси биносини ва бетараф сувларда турган Куба савдо кемасини ўққа тутди.

БМТ ҳузуридаги Куба доимий ваколатхонасининг вакили Т. Акостанинг Хавфсизлик Кенгаши раиси номига йўллаган мактубида ҳарбий хунтанинг бу ҳаракатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставн моддаларини қўпол равишда бузишдан иборат деб кўрсатилади.

Хавфсизлик Кенгашининг раиси кенгаш аъзолари билан зарур маслаҳатларни бошлаяжагини айтган. Шу ойда Югославия вакили Хавфсизлик Кенгашининг раисидир.

АРАЛАШМАСЛИКДАН ҚАНДАЙ МАНФААТ КЎЗДА ТУТИЛГАН ЭДИ?

ВАШИНГТОН, 14 сентябрь. (ТАСС). Вашингтондаги расмий доиралар Чилида ҳарбий тўнтариш тайёрланаётганлиги тўғрисида Қўшма Штатларнинг доим ахборот олиб турганлигини таъкидладилар.

«Биз, нейнинги ой мобайнида, — деди давлат департаментининг вакили, — Чилида муайян кун ва муайян вақт ичида қандайдир шаклда бўлса ҳам ҳарбий аралашув рўй беражаги тўғрисида турли манбалардан кўп хабар олиб турган эдик».

Шу муносабат билан хабардор доиралар АҚШ ҳукумати исён тайёрланаётганлиги ҳақида Чили ҳукуматини хабардор қилмаганлигини, чунки «Американинг расмий сиёсати бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликдан иборат» эканлигини таъкидламоқдалар.

«Нью-Йорк таймс» газетаси давлат секретарининг ёрдамчиси Жек Кубичнинг ташқи ишлар бўйича сенат комиссияси кичик комиссиясининг ёпиқ мажлисида айтган гапларига таяниб, қуйидагиларни хабар қилади: «АҚШнинг Сантьягодаги элчихонаси тўнтариш тайёрланаётганлиги тўғрисида сўнгги маълумотларни «исёндан бир кун олдин Чилининг бир офицеридан олди». Кубич, деб ёзади газета, шу тўғрида Вашингтоннинг олий доираларига хабар берилган эди», деди.

ШВЕЦИЯ САЙЛОВ АРАФАСИДА

СТОКГОЛЬМ, 15 сентябрь. (ТАСС). Швеция 16 сентябрга белгиланган навбатдаги сайловга тайёрланмоқда. Сайлов олди кампаниясида мамлакатдаги бешта сиёсий партия қатнашади. Улар Риксдагдаги 350 ўринни ўзаро тақсимлаб олишлари керак.

Швецияда 40 йилдан бери ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб келаётган социал-демократлар ўз мавқеларини каттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Улар доимий бетарафлиқка, Хинди-Хитой халқларининг курашини қўллаб-қувватлаш ҳамда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан кенгаш ўтказиш йўлидаги ҳаракатлардан иборат ташқи сиёсат йўлининг халққа маъзур эканлигига суянмоқдалар. Аммо буржуа лагерининг ўз ичида ҳам ихтилофлар бор. Буржуазия фақат бир масалада бирлашиб олган. У ҳам бўлса буржуазия ҳусусий капиталининг мавқеини мустаҳкамлашга, ғарб капитали ҳамда умумий бозор билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга интилаётганлигини яширмаяпти.

Швеция ишчилари ва деҳқонлари партияси ва Марказий партия ҳукумат ва парламентдаги ўрнини ўзгартиришга ва ҳокимиятни ўз қўлларига олишга интилмоқдалар. Марказий партия ва Ишчилар партияси ўртасидаги ҳокимиятдаги ўзгаришлар ҳаракатлари ҳеч ким учун сир эмас.

Сўл партия-коммунистларнинг сайлов олди программаси демократия ва социал тараққиёт учун курашга қаратилган бўлиб, равшан ва принципиал программадир. Швеция коммунистлари ишсизлик билан кураш, корхона эгаларининг олаётган фойдалари ҳисобидан иш ҳақини ошириш учун кураш, умумий бозорга қарши кураш каби талабларни илгари сурмоқдалар.

Ҳозирги Риксдагда мўътадил каолиция ва халқ партияси ҳамда марказ партияси 170 мандатга эга. Буржуа партиялар социал-демократларни ҳокимиятдан четлаштириш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Аммо буржуа лагерининг ўз ичида ҳам ихтилофлар бор. Буржуазия фақат бир масалада бирлашиб олган. У ҳам бўлса буржуазия ҳусусий капиталининг мавқеини мустаҳкамлашга, ғарб капитали ҳамда умумий бозор билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга интилаётганлигини яширмаяпти.

Сўл партия—коммунистлар 17 ўринга эга бўлиб, парламентда катта куч ҳисобланади, улар билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Сўл партия-коммунистларнинг сайлов олди программаси демократия ва социал тараққиёт учун курашга қаратилган бўлиб, равшан ва принципиал программадир. Швеция коммунистлари ишсизлик билан кураш, корхона эгаларининг олаётган фойдалари ҳисобидан иш ҳақини ошириш учун кураш, умумий бозорга қарши кураш каби талабларни илгари сурмоқдалар.

Ҳозирги Риксдагда мўътадил каолиция ва халқ партияси ҳамда марказ партияси 170 мандатга эга. Буржуа партиялар социал-демократларни ҳокимиятдан четлаштириш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Аммо буржуа лагерининг ўз ичида ҳам ихтилофлар бор. Буржуазия фақат бир масалада бирлашиб олган. У ҳам бўлса буржуазия ҳусусий капиталининг мавқеини мустаҳкамлашга, ғарб капитали ҳамда умумий бозор билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга интилаётганлигини яширмаяпти.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **БЕРЛИН.** Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети билан Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ГДР Министрлар Совети Президиумининг аъзоси, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги министри Георг Эвальд Эрфурт округидаги Гота шаҳри яқинида рўй берган автомобиль фалокати натижасида ҳалок бўлганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

◆ **БАҒДОД.** Бу ерда бўлиб ўтган кенгашда Ироқ Курдистон автономиясининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Ироқ Араб Социалистик Уйғониш партияси маҳаллий раҳбарлиги чақирган кенгашда мамлакатдаги прогрессив кучларнинг икки юздан кўпроқ намояндалари қатнашди. Кенгашда Ироқ Революцион қўмондонлиги Кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн иштирок этди.

Курдистон автономияси тўғрисидаги лойиҳа энди узил-кесил ишлаб чиқиш учун Ироқ прогрессив Миллий-ватанпарварлик фронтининг олий комитетига топширилади. (ТАСС).

Ботсван Республикасида кейнинги йилларда олтин, кумуш, мис, олмос ва бошқа қазилма бойликлари топилмоқда. Айниқса, Калахара саҳросидаги Орапда олмос кони истиқболли ҳисобланмоқда. Суратда: шу кон фабрикаси.

В. Кузнецов фотоси. (ТАСС).

V БУТУНИТТИФОҚ ТЕЛЕФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИ

Тошкентда Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали ишгин давом этмоқда. Қардош республикаларнинг ижодкорлари бир-бирларининг тажрибаларини ўрганмоқдалар, асарларнинг бадиий савиясини ошириш устида фикр алмашмоқдалар. Суратларда: (чапдан) Туркманистондан келган телевизион фильмлар ижодкорлари Ч. Аннақурбонов, С. Каражаев, Б. Аннанов грузиялик ҳамкасблари И. П. Гуруа ҳамда москвалик И. Болгарин, олмаоталик И. Савин ва грознийлик И. Татаев ўртоқлар ҳозиргина кўрган фильм ҳақида ўз таассуротларини ўртоқлашмоқдалар.

И. Глауберзон фотолари.

АХЛОҚ-ОДОБ МАВЗУИДА

МЕҲНАТ — КАМОЛОТ МЕЗОНИ

Инсониятнинг тарихи-меҳнат тарихидир. Инсон меҳнат жараёнида, ижтимоий муносабатлар системасида бунёдкор, актив куч сифатида майдонга чиқади. Жамиятнинг тараққиёти меҳнатнинг ривожланиши билан белгиланади. Меҳнатнинг қудрати ва тарбиявий кучи беқиёс бўлиб, у инсонни улуғлайди, инсон ҳам шу меҳнат орқали обрў ва қадр-қиммат топади.

Маълумки, жамият фойдаси учун қилинган унумли меҳнат жараёнида ишлаб чиқаришга нисбатан виждонан ва ҳалол муносабатда бўлиш, ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик ва онгли интизом каби фазилатлар шаклланади. Чунки меҳнат илгариги пайтларда фақат иқтисодий тушунча бўлган бўлса, социалистик тузумда ҳам иқтисодий, ҳам ахлоқий тушунчадир. Меҳнатга муносабат ахлоқий муносабат билан чамбарчас боғлиқ. Машҳур совет педагоги А. С. Макаренко айтганидек, меҳнатга зўр бериш кишини фақат ишга тайёрлайдигина эмас, балки ларда бошқаларга тўғри муносабатда бўлишни ҳам тарбиялайди, бу эса маънавий жиҳатдан тайёрланишдир.

Социализм даврида кишиларни ахлоқий камолотга етказиш ва ларда коммунистик ахлоқни шакллантиришда меҳнат тарбиясининг аҳамияти жуда каттадир. Бизнинг жамиятда меҳнат қилиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Меҳнат ҳар бир киши учун бахт манбаи бўлмоқда. Меҳнат ва унинг маҳсули эса халққа тегишлидир. В. И. Ленин меҳнаткашларни меҳнат орқали коммунистик рухда тарбиялаш ва меҳнатни уларнинг энг асосий эҳтиёжига айлантириш, коммунизм қуришда меҳнатнинг ва меҳнатга янгича муносабатнинг роли юксак баҳолаб, меҳнат қилишни жаҳонларнинг одат ва эътиқодига айлантириш керак, деган эди.

Меҳнат жараёнида ҳар бир шахс ўзининг жамият, коллектив олдидаги жавобгарлигини ҳис қилиб, социалистик турмуш қонда ва нормаларига онгли равишда риоя қилиб, меҳнат интизомини мустаҳкамласа, коммунистик қурилиш иши шунчалик тез олга боради. Ҳақиқатан ҳам қайси коллективда уюшқоқлик ва тартиб-интизом кучли бўлса, ўша ерда шахснинг ўз истеъдодини, қобилиятини ва ижодий фаолиятини кўрсатишга шароит яратилади.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳар бир совет кишисининг ахлоқий бурчи бўлиб, коммунистик қурилиш манфаатлари ва вазифасидан объектив равишда келиб чиқмоқда. Шунинг учун ҳар бир меҳнаткаш энг кичик ишдан ҳам умумий ютуқ ҳосил бўлишини тушуниб, ўзининг вазифаси, жамиятда тутган ўрни ва тарихий ролини яхши англаб етмоқда. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш ва тўққизинчи беш йилликни юксак иқтисодий кўрсаткичлар билан якунлаш мақсадида бошланиб кетган умумхалқ кураши бунинг яққол далилидир. Масалан, Тошкент авиация заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводи, Чирчиқ электрохимия комбинати, Калинин районидаги Собир Раҳимов номли, Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозларининг коллективлари меҳнатни кишиларда энг биринчи ҳаётий эҳтиёж сифатида англаш, меҳнат интизомига риоя қилиш эса ижтимоий бурч ва вазифа эканлигини чуқур англашга эриша олганлар.

Меҳнат совет кишиларини ахлоқий камолотга етакловчи, инсоний гўзал фазилатларни шакллантирувчи тарбия воситасига айланмоқда. Янги социалистик иқтисодий муносабатлар негизида ҳар бир жамият аъзоси коллектив ва халқ манфаатлари йўлида меҳнат қилиб, ўз фаолиятини коллектив фаолиятига, унинг мақсад ва иродасига мувофиқ йўналтириб бормоқда, жамиятимиз ҳаётига мос келадиган олижаноб фазилатларни ўзида мужассамлаштирмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда меҳнатга коммунистик муносабат, халоллик, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш, меҳнат интизомига риоя қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш каби маънавий фазилатлар хулқ-одатга айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, меҳнат-тарбия мактаби. Меҳнат қилиш эса ҳар бир қобилиятли киши учун инсоний бурч. Янги инсон коллективда, меҳнатда камол топади.

Х. ШАЙХОВА,
фалсафа фанлари кандидати.

ИККИ ЮЛҒИЧ

ФЕЛЬЕТОН

Валини учарликда тенги йўқ дейишади. Бошқалар яхши деса деляверсин-у, лекин Калинин районидаги «Назарбек» ишчи кооперациясига қарашли 28-магазин хизмат қиладиган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар бунга тўла таслиқлашади.

У магазин мудири бўлиб келди-ю, қут-барака қўтарилди. Харидорларнинг кўзига чўп ташлашда ўзига ўхшаш устаси фарангларни тўплади. Натижа чакки бўлмади. Ҳа-ҳув дегунча чўнтаклари қаппайиб қолди. Буни кўрган ҳамтовоқлари атрофида гирди-капалак бўлишади:

— Сахийликда Ҳотамдан ҳам ўтасиз. Азиз қўлингиздан бир кўлбола ош еб, ҳақингизга дуо қилсак, ёмон бўлмасди.

Бойвачча мақтовдан саватдай ёйилиб кетди. Ҳар куни қозон ҳам, чўмич ҳам мой. Улфатчилик авжида. Бир марта ош, кейин жаркоп, қўлбола қимлама. Торт-торт! Ароқ билан коньяк даврада рақсга тушади. Шовқин-суроқ, қарсаклар.

Ҳотамтойнинг очил дастурхони ҳар куни мана шундай тўкин бўлиб турди. Унинг чўнтагидаги пуллар қуш болаларидек кетма-кет учирма бўлиб кетаверди. Вали давлат ва харидорлар ҳисобига уни қайтадан тўлдираверди.

Афсуски, қинғир ишнинг чуви чиқди. Уни магазин мудирлигидан бўшатиб, моддий жавобгарлиги бўлмаган ишга қўйиш ҳақида Тошкент область матлубот жамияти буйруқ чиқарди. Аммо «Назарбек» ишчи кооперациясидаги «амакилар» бунга парво ҳам қилмай, буйруқни бажаришмади. Вали Ҳабибуллаев расмият учунгина магазин мудирлигидан олинио, буйруқлар дафтарига «завторг» деб нақш этиб қўйилди. Магазинга Валининг шогирди Мирсобит Мирҳайдаров мудир бўлди. Қозода мудир бўлса ҳам, амалда Валининг орқасидан эргашиб, мудраб юраверди. Негаки, ҳали ҳам бутун иш Ҳабибуллаевнинг қўлида эди.

Вали Ҳабибуллаевнинг иштаҳаси дастлаб сурнай бўлган эди. Бора-бора карнайга айланди. Кунларнинг бирида Оққўрғон райпромкомбинатидан 2062 сўмлик пахта олди-да, магазин ҳисобига кирим қилмай, пулини чўнтакка урди. Ҳаром пуллар жиғилдони тегирмондай очилган юлғич бошқа «каттароқ ишларга» ҳам қўл урди. 1971 йилнинг 21 июлида дўконга келтирилган «Москвич-408» машинасини кирим қилмай, қаергадир гумдон этди. Энди у «Запорожец» машиналарини ҳам қийналмай «юта» бошлади. 1971 йилнинг 2 ва 8 ноябрь кунлари бир жуфт «Запорожец»ни ҳам силлиққина томоғидан ўтказиб юборди.

Вали бундай қараса, машина юта-юта томоғи лат еди. Шундай «оғир» иш билан овора бўлиб юргандан кўра, мўмай-мўмай пул ютишни афзал деб билди. Шу ният билан магазин кассасига чанг солган эди, роппа-роса 4 минг сўм чиқди. Бу орада у хуфёна йўл билан қаердандир магазинга келтирилган 13 тоннадан ортиқ ширматбой тунукани пуллаб, ҳазм қила бошлади.

Тўрт томондан гала-гала учиб келиб турган пуллар Вали билан Мирсобитнинг бошини айлантириб кўйди. Улар энди магазин давлатники эканлигини ҳам тамоман унутиб қўйишган эди. Фақат кўнгилларининг кўчасидан юрар, ёғлиқ таомлар устида лаганбардор улфатларнинг яққа қарсагига ўйин тушишар эди.

Во ажаб! Бир куни қутилмаганда ғалвир сувдан кўтарилди. Бундоқ ҳисоб-китоб қилишса Вали Ҳабибуллаевнинг яққа ўзи турли ҳийла-найранглар ишлатиб, давлатнинг 11120 сўмини ош қилиб юборибди. Унинг Мирсобит Мирҳайдаров билан ҳамкорликда ўмарган пули 84631 сўм экан. Кичкинагина бир дўконда ана шунча тала-тала!

Шу билан Валининг базмлари ада бўлди. Энди аввалгидек тўкин дастурхон устида эмас, бошқа жойда ҳисобкитоб қилинади. Ўшанда Вали адашгудай бўлса, Мирсобит ёрдамга келади. Иккиларн ҳам довдираб қолишгудек бўлса-чи? «Моҳир ҳисобдон» Рафоил Гаттуйнов билан Суюн Абдшевлар кўмаклашади. Негаки, мана шу иккі валломат 28-магазинда ўтказган ревизия пайтларида жиноятчиларнинг қилмишларни ёпиб кетишган эди.

Ҳисоб-китоб бу гал, албатта, аниқ чиқади.

Усмон ЮСУПОВ.

ХОККЕЙ

«БИНОКОР» ШАЙЛАНМОҚДА

Республикамизда спорт турлари қаторига хоккей қўшилгандан бери, бундай қизиқарли ва шиддатли ўйинга муҳлислар ўрганиб қолишди. Ўрта Осиёда ягона ҳисобланаётган муз устида шайба суриш ўйинлари серқуёш ўлкамизда ўз ишқибозларига эга бўлди. Ўзбекистонда илк марта тузилган «Спартак» командаси бу йил учинчи мавсум республикамиз шарафини ҳимоя қилади. Команда янги мавсум арафасида. Хўш, хоккейчиларимиз мавсумга қандай ҳозирлик кўрмоқдалар? Коллектив аъзолари ўртасида қандай ўзгаришлар бор? Хоккей командасининг бошлиғи, республика тоифасидаги судья Омон Мусаев билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди:

— Аввало, хоккейчиларимизнинг ўтган йилги ўйинлари ҳақида гаплашсак, — дейди команда бошлиғи. — Мамлакат чемпионатининг иккинчи лига Шарқий зонасига кирувчи 13 коллектив орасида куч синашган «Спартак» бешинчи ўринни эгаллади. Зона ғолиби бўлиш Омскнинг «Химик» командасига лойиқ кўрилиши табиий эди. Энг кўп ғалабага эришиб, шайба киритган бу команда жами 74 очко тўплади.

Тошкентлик хоккейчилар иккинчи мавсумда бешинчи ўрин билан кифояланишди. Бу командамизнинг мамлакат чемпионатида илк марта қатнашгандагига нисбатан бир погона пастки қатордан жой олганлигини кўрсатса ҳам, муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Ўтган йили олдинги мавсумдагига қараганда курашлар шиддатли эканлиги билан ажралиб турди. Шу жиҳатдан бешинчи ўрин командамиз учун фахрли дейиш жоиз. Сирасини айтганда, спартакчилар сафарда ва ўз майдонларидаги 15 учрашувда майдондан мағлуб чиқишди. Бунга асосий сабаб учрашувлар устидаги очиқ майдонларда ўтказилганлиги бўлди. Командамиз иштирок этаётган зонада фақат Қарағанда, Хабаровск ва Тошкентда устидаги берк муз майдонлари мавжуд. Учрашувлар очиқ ерларда ўтказиш вақтида совуқ 42—46 даражагача етади. Ўйинни бошқарувчи судьялар учрашувларни уч, ҳатто тўрт бўлимли қилиб ўтказишга мажбур бўлдилар. Хоккейчиларимиз кўникма ҳосил қилмаган ана шундай шароитларда ўйин ўтказилиши юқори ўринлар учун курашда ўз таъсирини кўрсатди. Шунга қарамай, командамиз ҳар икки даврада меҳмонлар майдонида ютишлари очколар тўплай олди. Вакилларимиздан З. Хасьянов ва Е. Подьяновлар энг яхши дарвозабонлар деган номга сазовор бўлишлари ҳаммамизни қувонтирди.

— Янги мавсумга тайёргарлик қандай бораяпти?

— Мавсум арафасида мухлисларга шуни маълум қиламизки, командага янги ном берилди. Бу йилдан бошлаб хоккейчилар «Меҳнат» спорт жамияти аъзолигига ўтишди. Шу муносабат билан командага «Бинокор» ном берилди. Вакилларимиз энди номдор тошкентлик бинокорларнинг шарафи учун ўз маҳоратларини ишга соладилар. Янги мавсумга ҳозирлик кўраётган хоккейчиларимизнинг асосий мақсади битта — чемпионат ғолиби бўлиб, биринчи лигага йўлланма олишдир.

Мавсумга тайёргарлик уч босқичга бўлинган. Дастлаб, умумжисмоний тайёргарлик кўрилди. Бу машқлар Москва областининг Ступино шаҳрида олиб борилди. Ҳозирликнинг иккинчи бўлими август ойининг ярмидан бошлаб Электросталь шаҳарчасида давом этди. Бу даврда хоккейчиларимиз ўртоқлик учрашувларида куч синашиб кўришди. Жумладан, москвалик спартакчилар ва «Химик» (Воскресенск) коллективи билан ўтказилган ўйинлар қизиқарли бўлди. Охирги тайёргарлик Тошкентда давом этади.

— Команда составида қандай ўзгаришлар бор?

— «Бинокор» составида бирмунча ўзгаришлар бўлди. Командага бу йил ҳам Г. Андриянов бош тренерлик қилади. Унга тренер В. Григорьев ҳамкор бўлади. Бу йил турли сабабларга кўра, ўйинчилардан Б. Куренной, К. Юфа, В. Серов, А. Слухов, А. Зарубин, А. Карнаухов, А. Стеблинлар команданн тарк этишди. Коллективимизга янги ўйинчилар жумладан, новосибирсклик В. Меленчук, запорожьелик А. Елесин билан Н. Сичев, Воскресенскдан В. Никифоровский, Калининграддан А. Зачесов ва В. Полухин, москвалик А. Заплаткин ҳамда ЦСКА ёшлар командасидан М. Смирнов каби истеъдодли хоккейчилар қўшилишди. Шунингдек, РСФСР терма командасининг аъзолари Ю. Самохвалов билан А. Гутовлар сафимизга келишди. Булардан ташқари «Бинокор»га Тошкент хоккей мактаби талабаларидан Р. Камолиддинов, М. Шабаев, А. Тиханчук, В. Пакинлар таклиф қилинди.

А. ИМОМХЎЖАЕВ,
республика тоифасидаги судья.

АХБОРОТ

ҚАРДОШЛАР МАКТУБИ

ДЎСТЛАР ОЛҚИШИ

С. Айний номидаги Бухоро давлат музикали драма ва комедия театри ижодий коллективи қардош Тожикистон пойтахти Душанбада меҳмон бўлди. Қариб бир ой давом этган сафар чоғида санъатларини намойиш этган бухороликлар мухлисларни мамнун қилишди. «Ажаб савдолар», «Лаҳма», «Равшан ва Зулҳумор», «Наргис», «Она юраги» каби спектакллар томошабинларга манзур бўлди.

Ч. БОЙБУСИНОВ.
Душанбе шаҳри.

САВДО ЯРМАРКАСИ

Жанубий Урал ўлкаси маркази Челябинскда савдо ярмаркаси очилди. РСФСР Министрлар Совети ҳузуридаги Таъминот бош бошқармаси уюштирган бу ярмаркада Россия областлари, ўлкалари, автоном республикалари ҳамда Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон саноатчилари иштирок этишди. Ўзбекистон ярмаркада мамлакатимизнинг йирик улгуржи савдо ташкилотлари сифатида қатнашди.

Н. КРОХИН.
Челябинск шаҳри.

ҚУВОНЧЛИ УЧРАШУВЛАР

«Дўстлик майдони» Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг энг гавжум ери саналади. Дам олиш кунлари майдон ўзига хос томошахонага айланади. Москваликлларга иттифоқчи республикалар бадиий ҳаваскорлари коллективларининг чиқишлари айниқса манзур бўляпти. Ҳаваскорлар ансамбларининг Бутуниттифоқ кўрик-конкурсида ҳозиргача 25 га яқин коллектив иштирокчилари ўз санъатларини намойиш қилишди.

Узбекистоннинг «Юлдуз» (Хоразм), «Анор» (Фарғона), «Гуллола» (Қашқадарё) ва «Ёшлик» (Сирдарё) ансамблларининг чиқишлари муваффақиятли ўтди. Яқинда яна бир коллектив—Хоразм области Боғот районидаги Наримонов номли колхоз ҳаваскорларининг шўх куй ва қўшиқлари мухлисларни ром этди. «Қалдирғоч» номи берилган бу ансамблга колхозчи ва ишчилардан иборат турли касб эгалари бирлашган. Узбекистонда хизмат кўрсатган артист К. Раҳимов раҳбарлик қилаётган ёш санъаткорлар Бутуниттифоқ кўргазмасининг дипломи билан тақдирланди.

Ҳаваскорлар саҳнасида эса қуёшли ўлканинг яна бир вакили — Андижон областининг Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли колхоз ансамбли чиқа бошади.

В. БЕЛЯКОВ,
Москва шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕПЛОХОДИ

Совет пассажир теплоход кемалари сафи кенгаяётган бўлди. Тўқизинчи беш йиллик охиригача узоқ океан саёҳатлари учун мўлжалланган янги конструкциядаги, ҳар томонлама қулай катта кемалар қурилади. Бундай турдаги теплоходлар бир йўла 500 турист ва 255 та енгил автомашинани бағрига олиш имконига эга бўлади.

— Бу туркумга кирувчи кемаларга, — деб ёзади Болтиқ денгиз пароходчилигининг кўп тиражли газетаси «Морян Балтики», — иттифоқчи республикалар номи берилади. Кемаларни Совет Иттифоқи буюртмаси билан финляндиялик кемасозлар қуриб беришади. Кемаларнинг дастлабкиси келаси йили сувга туширилади. Унинг олд қисмига Узбекистон ССР ва республика Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи муносабати билан илк марта «Узбекистон» сўзларини ёзиш кўзда тутилгани.

Р. СОБИТОВ,
Ленинград шаҳри.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 10.10 — Ёзувчилар болаларга. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Бугун — Ўрмон ходимлари куни. 12.55 — Музикали киоска. 13.25 — Қишлоқ янгиликлари. 14.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.25 — Концерт. 16.10 — Рассом билан учрашув. 16.40 — ТОШКЕНТ. 16.50 «Кичкинтой» программаси. 17.20 — Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. 18.00 — Ахборот. 18.15 — Бугун Ўрмон ходимлари куни. 18.30 — МОСКВА. **Хокией: «Спартак»** (Москва) — «Химик» (Воскресенск). 19.15 — Мультфильм. 19.30 — Халқаро панорама. 20.00 — **Футбол: «Арарат» — «Спартак».** 21.45 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. 22.50 — Экран ҳандаси. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 10.30 — Телефильм. 16.40 — МОСКВА. 16.50 — **Яхшама яхша** (бадиий фильм). 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Ўрмон ходимлари учун концерт. 19.10 — **Тирик мурда** (бадиий фильмнинг 1-2-серициялари). 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. V Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалига тақдим этилган ҳужжатли, бадиий ва музикали фильмлар намойиши.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IX да **Имок.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/IX **Ажаб савдолар,** 17/IX да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ИВАН АНИСИМОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ УРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ** (кеч соат 7 яримда, шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Герпус Мантас (2 серия) — «СПУТНИК» (12.00, 13.00, 18.00, 21.00).

Муслим Магомаев куйлайди — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (13.30, 16.30), «КЎКЧА» (ўзбек тилида, 17.20, 20.30).

Привалов миллионлари (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Қизлар қасамёди — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (14.00, 16.00, 17.30).

Катта сайр (12.00, 17.00), **Комедиантлар** (14.30, 20.00): — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Изма-из — «СПУТНИК» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Бошсиз чавандоз (2 серия) — «МОСКВА» (10.00, 12.00, 19.30, 21.15), «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

Эрамиздан миллион йил илгари — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тасодифий адрес — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Қизлар қасамёди — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уч мушкетёр — «ХИВА».

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — ТЕЛЬМАН номли.

РЕСПУБЛИКА «УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» БАЗАСИ

савдо ташкилотларига ва харидорларга

«СПУТНИК-67» МЕҲАНИК СОҚОЛ ОЛИШ АППАРАТИНИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

«СПУТНИК-67» ҳар куни фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, совун креми ва сув ишлатишни, кесиш элементларини чархлаш ёки алмаштиришни талаб қилмайди (кесиш элементлари аппаратнинг ишлаш процессида ўз-ўзидан чархланади).

«СПУТНИК-67» учун электроэнергия керак эмас. Уйда, йўлда, далада, экспедицияда, туристик саёҳатда «Спутник-67» жонингизга оро киради.

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ»

ТОШКЕНТ ТАЯНЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

1974 ўқув йили учун сиртқи агрономия мутахассислигига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМ ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли, колхоз ва совхозларда бригадир, бўлим—участка бошқарувчиси, агроном, раҳбарлик лавозимида ишлаб турган, лекин агрономия мутахассислигига эга бўлмаган ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаётган меҳнат стажи 3 йилдан кам бўлмаган гражданларни ёшн чекланмаган ҳолда қабул қилади.

Ўқиш муддатлари: 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 4 йрим йил, ўрта маълумотлилар учун 2 ярим йил.

Аризалар 30 ноябрь 1973 йилгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 НОЯБРДАН 14 ДЕКАБРГАЧА УТКАЗИЛАДИ.

Техникумга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха), медицина справкаси (286-форма), 3 дона фотосурат (3х4 см.) иш жойидан справка, меҳнат ёки колхозчи дафтарчасидан (тасдиқланган) кўчирма қўшиб топширилади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар — ўзбек тили ёки рус тили (диктант), математика (оғзаки); ўрта маълумотлилар — ўзбек тили ва адабиётдан ёки рус тили ва адабиётдан (ёзма), химия (оғзаки)дан кириш имтиҳони топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент — 128, Парашютчилар кўчаси, 17-уй.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

Ванант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра доцентлари — сиёсий иқтисод, саноат экономикаси;

кафедра катта ўқитувчилари ёки ассистентлари — КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, иқтисодий ахборотларни механизмлар ёрдамида ишлашни ташкил этиш, ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш, хўжалик фаолиятини анализ қилиш, савдо экономикаси (саноат моллари товаршунослиги), пул муомаласи ва кредит, молия, статистика, бухгалтерия ҳисоби, жисмоний тарбия, рус тили.

Қаршн ўқув-консультация пунктида ишлаш учун — рус тили

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-«а» уй.

«УЗГЛАВЭЛЕКТРОСНАБСБИТ»

барча ташкилотларга маълум қиладики, инвентаризация ўтказилиши муносабати билан 1973 йилнинг 1 октябридан 20 октябригача

«УЗЭЛЕКТРОНРАДИОПРИБОР»

конторасидан — моддий бойликлар берилиши ва базадан кабель маҳсулотлари ҳамда йирик габаритли электротехника ускуналари берилиши

ТУХТАТИЛАДИ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — № 219. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 04327.